

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2024, № 3 (5)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2024

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Академик
Ўзбекистон Миллий университети

Сулейманов Рустам Хамидович тарих
фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Холиқулов Ахмад Баймахаматович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Габриэльян Софья Ивановна тарих
фанлари доктори, доцент *Ўзбекистон*
Миллий университети

Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Нарбеков Абдикамил Вафасевич
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Тухтабеков Козимбек Азимбекович

тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Бахранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Жамоат ҳафсизлиги университети

Кандахаров Анваржон Хасанович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Холиқулова Шахноза Боймухамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Навоий Давлат педагогика институти

Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Алиназарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети

Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет Национального
Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/> ; E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib
Faculty of history of the National university of
Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/> ; E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Abdurasulova Faxriya Bahtiyor qizi BUXORO AMIRLIGI IJTIMOYIY-IQTISODIY, SIYOSIY VA MA'NAVIY HAYOTINI O'RGANISHDA MANBASHUNOSLIK TAVSIFI	4
2. Abdullayev Akmaljon Xasanbay o'g'li O'ZBEKISTON TARIXI FANIDA DATA SCIENCENING O'RNI	13
3. Ergashev Husan Yusup o'g'li MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIX FANI VA TA'LIMINING RIVOJLANISHIDA O'ZMU TARIX FAKULTETINING O'RNI VA AHAMIYATI	19
4. Кенджаев Якуб Юсупович СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ҒАРБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДАН КЎЧИРИЛГАН САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШТИРИЛИШИ (1941-1945)	26
5. Kandaxarov Anvar Xasanovich O'RTA ASR DAVLATCHILIGIDA DIN VA TASAVVUF VAKILLARINING TA'SIRI	31
6. Мухамедов Якубджан Кадирович ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ ВА ВИЗАНТИЯ ЎРТАСИДАГИ ИЖТИМОЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР	44
7. Нишанбаева Энахон Зарипбаевна ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ	54
8. Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич XV – XVI АСРНИНГ БОШЛАРИГА ОИД “ЯНГИ САНГАНАК” ХАЗИНАСИДАГИ БУХОРО ТАНГАЛАРИГА ДОИР	64
9. Toshxujayev Shoxrux Erkin o'g'li BOBURIYLAR SULOLASINING JAHONSIVILIZATSIYASIGA QO'SHGAN HISSASI	74
10. Usarov Umidjon Abdimavlyanovich ROSSIYA IMPERIYASINING TURKISTON O'LKADAGI YER-SUV MUNOSABATLARINING BOSHQARILISHIDA KADRLAR MASALASIGA OID SIYOSATI	80
11. Эшқурбонов Фазлиддин Нуралиевич., Аннаев Джалолиддин Тухташевич ТАРМИТА-ТЕРМИЗ БУДДАВИЙЛИК ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИГА ДОИР	87
12. Шакиров Ильяс Рахимзянович ВОПРОСЫ ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И КОРОЛЕВСТВА ТАИЛАНД (1991-2016)	101

Нормуродов Д.Р.

Т.ф.ф.д. (PhD), доцент

Ўзбекистон Миллий университети

d.r.normurodov@mail.ru

XV – XVI АСРНИНГ БОШЛАРИГА ОИД “ЯНГИ САНГАНАК” ХАЗИНАСИДАГИ БУХОРО ТАНГАЛАРИГА ДОИР

АННОТАЦИЯ

Мақолада 2021 йилда Тошкент вилояти, Паркент тумани, “Янги Санганак” маҳалласидан топилган 1810 мис тангалардан Бухоро зарб қилинган 364 дона тангаларнинг тавсифи ва таҳлилига бағишланган бўлиб, бу тангалар 6 турдан иборатлиги, улар 1428–1429 йиллар Мирзо Улуғбек, XV асрнинг охирларида темурийлардан Султан Аҳмад, Бойсунғур Мирзо ва XVI асрнинг биринчи ўн йиллигида Муҳаммад Шайбонийхон даврида зарб қилинганлиги қайд қилинган.

Калит сўзлар: Бухоро, Тошкент, “Янги Санганак”, темурийлар, Шайбонийхон, танга, пул, зарб, хижрий йил, милодий йил, мис.

Нормуродов Д.Р.

PhD., доцент

Национальный университет Узбекистана

d.r.normurodov@mail.ru

О БУХАРСКИХ МОНЕТАХ КЛАДА “ЯНГИ САНГАНАК” XV-НАЧАЛЕ XVI ВЕКАХ

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена анализу и исследованию 364 монет, чеканенных в Бухаре, из 1810 медных монет, найденных в 2021 году в махалле “Янги Санганак”, Паркентского района Ташкентской области, установлено что клад состоит из 6 видов монет, что чеканились в 1428-1429 гг. в эпоху Мирзо Улугбека, в конце 15 века в эпоху темуридов Султан Ахмада, Байсункур Мирзо и в первое десятилетие в эпоху Мухаммада Шайбани.

Ключевые слова: Бухара, Ташкент, “Янги Санганак”, темуриды, Шейбаниды, монеты, деньги, чеканка, год хиджры, наша эра, медь.

Normurodov D.R.

PhD., senior lecture

National University of Uzbekistan

d.r.normurodov@mail.ru

ABOUT BUKHARA COINS FROM THE “YANGI SANGANAK” TREASURE OF THE 15th-EARLY 16th CENTURIES

ABSTRACT

This article is dedicated to the description and analysis of 364 Bukhara minted coins out of 1810 copper coins found in “Yangi Sanganak” neighborhood, Parkent district, Tashkent region in 2021, and these coins consist of 6 types. It is noted that they were minted in 1428-1429 under Mirza Ulugbek, at the end of the 15th century during the reign of Timurid Sultan Ahmad, Boysungur Mirza, and during the first decade of the 16th century under Muhammad Shaibani Khan.

Key words: Bukhara, Tashkent, “Yangi Sanganak”, Timurids, Shaibani Khan, coin, money, coins, Hijri year, AD year, copper.

КИРИШ

Давлатчилик, савдо-иқтисодий ва товар-пул масалаларни ёритишда ёзма манбалардан ташқари нумизматик материалларнинг ўрни ҳам каттадир. Уларни тадқиқ қилиш орқали сиёсий, иқтисодий ва маънавий масалаларга маълум даражада аниқлик киритса бўлади. 2021 йилда Тошкент вилояти, Паркент тумани, “Янги Санганак” маҳалла фуқаролари йиғинидан топилган мис тангалар хазинасидаги XV–XVI асрнинг бошларида Бухорода зарб қилинган тангалар ҳам юқаридаги масалаларни тўлдиради. Бу тангалар хазинаси маҳаллий аҳоли вакили Имомали Боймақовнинг ҳовлисида иссиқхона қуриш учун қазилган ердан тасодифан топилган [8]. Улар ҳозирда Темурийлар тарихи давлат музейи фондига қабул қилиб олинган.

“Янги Санганак” хазинасидаги тангалар жами 1810 дона бўлиб, улар кучли оксидланган, бир қисмининг ҳар иккила юзаси текисланиб ёзув ва безаклари учиб кетган. Бу хазинадаги жами тангалар “Трилон В” кимёвий моддаси ёрдамида оксидлардан тозаланиши натижасида улардан 364 донаси Бухорода зарб қилинганлиги аниқланди. Бухорода зарб қилинган бу тангалар жуда таҳликали, нотинч даврда, темурийлар орасидаги ички зиддиятлар, тахт учун курашлар кетаётган, шаҳзодаларнинг тез-тез алмашиб туриши пайтларида муомалага чиқарилган. Шунингдек, тангаларнинг бир қисми Муҳаммад Шайбонийхон даврида зарб қилинган. Тангаларнинг бир томонига араб

ҳарфларида зарб қилинган жойи яъни, “Бухоро” ёки “зарб(и) Бухоро”, иккинчи томонига зарб қилинган санаси араб ёзуви ва тилида сўз билан бўртма шаклда туширилган. Шуни ҳам қайд қилиш керакка, бу тангаларнинг айрим турида уларнинг зарб қилинган йили туширилмаган.

“Янги Санганак” хазинасидаги Бухорода зарб қилинган тангаларга ўхшаш тангалар Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларидан топилган. Уларни ўрганишда тадқиқотчи-олимлардан М.Е.Массон [7], Е.А.Давидович [2], Л. Ю. Шпенёва [10; 11], А. М. Камишев [6], Р. З. Бурнашева [1], Д. Давлатходжа [4], Д.Довуди [5] ларнинг хизматлари каттадир. Жумладан, Е. А. Давидовичнинг “Ўрта Осиёнинг ўрта асрлардаги пул муомаласи тарихи (Мовароуннахрнинг XV – XVI асрнинг биринчи чорагидаги мис тангалари)” га бағишланган монографиясида XV–XVI асрнинг биринчи чорагида Бухорода зарб қилинган мис тангаларни батафсил тавсиф ва таҳлил қилган [3: 78-83]. Унинг тадқиқотида шу даврда Бухорода зарб қилинган тангалари ўзига хослигига кўра 26 турдан иборатлилиги қайд қилинган [3: 78]. Шу ва юқорида номлари санаб ўтилган тадқиқотчиларнинг ишлари “Янги Санганак” хазинасидаги Бухородаги танга зарбхонасида ишлаб чиқарилган тангаларини турларга бўлиш, тавсифлаш ва таҳлил қилишда асос қилиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

“Янги Санганак” мис тангалар хазинасидаги Бухорода зарб қилинган тангаларнинг ҳар иккала томони ҳам зарб уриш йўли билан бўртма кўринишдаги безак ва ёзувлар туширилган. Аммо, бирорта тангада туширилган бундай шакллар ва ёзувлар тўлиқ тушмаган. Бундан ташқари тангаларга туширилган безак ва ёзувларнинг бир қисми оксидланиш натижасида текисланиб кетган. Шу сабабли уларни аниқлашда қийинчиликлар юзага келади. Умумий тангалардаги ёзувларни тиклаш орқалигини улардаги йилни аниқлаш мумкин. Шунингдек, тангаларнинг ўлчам ва оғирликлари ҳам бир-биридан оз бўлсада фарқ қилади. Безак ва ёзувларининг ўзига хос кўринишига кўра уларни 6 турга ажратиш мумкин. Бу тангаларнинг ҳар бир тури қуйидагича тавсифга эга:

1-тури. Бу турдаги тангаларнинг ўртача диаметри – 23–25 мм, оғирлиги – 5–7 гр.дан иборат (1-расм). Жами 147 дона бўлган бундай тангалар хижрий 832 (милодий 1428-1429), 897–899 (милодий 1491-1494) йилларда зарб қилинган.

Тангаларнинг олд томони (AV):

Чети нуқтачалар ва ҳалқа билан ўралган. Юзасининг ўрта қисмида баргсимон безак билан ўралган ҳалқа шаклдаги ҳошияси бор. Ҳошия ичига қуйидаги икки – А ва Б вариантдаги ёзув туширилган:

А – вариантдаги 122 дона тангаларга “Бухоро (بخارا)” ёзуви туширилган. Улардан 55 донасининг атрофи бўйлаб айланасига туширилган “зарб(и) фулус

адлия (ضرب فلوس عدليه), деган ёзуви бор. А – вариантдаги қолган тангаларда бундай ёзув йўқ;

Б – вариантдаги 25 дона тангаларга “зарб(и) Бухоро (ضرب/بخارا)” ёзуви туширилган;


Тангаларнинг орқа томони (RV):

Араб ёзуви ва тилида сўз билан танганинг зарб қилинган санаси туширилган. Жумладан,

А – вариантдаги тангалардан 55 донаси ҳижрий 832 (милодий 1428-1429) йилда зарб қилинган бўлиб, уларга “тарих саккиз юз ва ўттиз ва икки (фи ал-торих сана саманимия ва саласин ва айснаун – **و ثلثين و اثنين** / **في التاريخ سنة / ثمانمائة**”) ёзуви туширилган. Ҳижрий 898 (милодий 1492-1493) йилда зарб қилинган 10 донасида эса “тарих саккиз юз ва тўрқон ва саккиз (фи ал-торих сана саманимия ва тисевун ва саманиа – **و ثمانمائة و تسعون و ثمانية** / **في التاريخ سنة**”) ёзуви бор;

Б – вариантдаги ҳижрий 897 (милодий 1491-1492) йилда зарб қилинган 4 дона тангаларга “тарих саккиз юз ва тўқсон ва етти (фи ал-торих сана саманимия ва тисевун ва сабеа – **و ثمانمائة و تسعون و سبعة** / **في التاريخ سنة**”), ҳижрий 898 (милодий 1492-1493) йилда зарб қилинган 5 дона тангаларга “тарих саккиз юз ва тўрқон ва саккиз (фи ал-торих сана *thamanimiya*уа саманимия ва тисевун ва саманиа – **و ثمانمائة و تسعون و ثمانية** / **في التاريخ سنة**”), ҳижрий 899 (милодий 1493-1494) зарб қилинган 11 дона тангаларга эса “тарих саккиз юз ва тўрқон ва тўққиз (фи ал-торих сана саманимия ва тисевун ва тисеа – **و تسعون و تسعة** / **في التاريخ سنة / ثمانمائة**”) ёзуви туширилган.

1-турдаги қолган тангаларга туширилган ҳижрий йил текисланиб кетган. Шу сабабли уларнинг қачон зарб қилинганлигини аниқлаш қийин.



2-тури. Бу турдаги тангаларнинг диаметри – 21–27 мм, оғирлиги эса ўртача – 4–5 гр.дан иборат (2-расм). Жами бўлиб 117 донадан иборат бўлган бу тангалар ҳижрий 897–901 (1491–1496) йилларда зарб қилинган.

Тангаларнинг олд томони (AV):

Чети нуқтачалар ва ҳалқа билан ўралган. Юзасининг ўрта қисмида тўрт

атрофи шохсимон безалган икки қаторли тўртбўрчакларнинг бир–бирига туташishi натижасида ҳосил бўлган квадрат шаклдаги ҳошияси бор. Ҳеч бир тангага ҳошия сиртидаги безаклар тўлиқ тушмаган. Ҳошия ичига қуйидагича тўрт хил – А, Б, В ва Г вариантдагича:

А – вариантдаги 80 дона тангаларга “зарб(и) Бухоро (بخارا/ضرب)”;

Б – вариантдаги 3 дона тангаларга “Бухоро (بخارا)”;

В – вариантдаги 3 дона тангаларга “Бухоро зарб (بخارا/ضرب)”;

Г – вариантдаги 25 дона тангаларга “адл Бухоро (عدل/ضرب)”, ёзуви туширилган.

2-турдаги қолган 5 донасининг ёзуви учиб кетганлиги сабабли уларнинг қайси турга тегишлилигини аниқлаш қийин.

Тангаларнинг орқа томони (RV):

Чети нуқтачалар ва ҳалқа билан ўралган бўлиб, олд томонидаги ёзувларининг А, Б, В, Г вариантларининг фарқланишига кўра қуйидагича йиллар ёзилган:

А – вариантдаги ҳижрий 899 (милодий 1493-1494) йил зарб қилинган 11 дона тангаларга “тарих саккиз юз ва тўқсон ва тўққиз (фи ал-торих сана саманимия ва тисевун ва тисеа – *فِي التَّارِيخِ سَنَةٌ / ثَمَانِيَةٌ وَتِسْعُونَ وَتِسْعَةٌ*”, ҳижрий 900 (милодий 1494-1495) йилда зарб қилинган 1 донасига “тарих тўққиз юз (фи ал-торих сана тисеумия – *فِي التَّارِيخِ سَنَةٌ / تِسْعِمِائَةٌ*”, ёзуви туширилган;

Б – вариантдаги ҳижрий 900 (милодий 1494-1495) йилда зарб қилинган 1 дона тангага “тарих тўққиз юз (фи-ал торих сана тисеумия – *تِسْعِمِائَةٌ / فِي التَّارِيخِ سَنَةٌ*”, ҳижрий 901 (милодий 1495-1496) йил зарб қилинган 2 дона тангага эса тарих тўққиз юз ва бир (фи ал-торих сана тисеумия ва ваҳид – *وَاحِدٌ / فِي التَّارِيخِ سَنَةٌ / تِسْعِمِائَةٌ*”, ёзуви туширилган.

В – вариантдаги 2 дона тангада “тарих ...? (фи ал торих сана ...? – ...? / *فِي التَّارِيخِ سَنَةٌ*”) ёзуви сақланган. Қолган ёзувларни аниқлаш қийин.

Г – вариантдаги ҳижрий 901 (милодий 1495-1496) йил зарб қилинган 2 дона тангага тарих тўққиз юз ва бир (фи ал-торих сана тисеумия ва ваҳид – *وَاحِدٌ / فِي التَّارِيخِ سَنَةٌ / تِسْعِمِائَةٌ*”), ёзуви туширилган.





3-тури. Бу турдаги танга 1 дона бўлиб, у ҳижрий 900 (милодий 1494-1495) йилда зарб қилинган. Унинг диаметри – 20–22 мм, оғирлиги – 3,35 гр.ни ташкил қилади (3-расм).

Танганинг олд томони (AV):

Чети нуқтачалар ва ҳалқа билан ўралган. Юзасининг ўрта қисмидаги атрофи гулбанд (бантик) шаклдаги нақш билан безалган учбурчак шаклдаги ҳошия ичига “Бухоро (بخارا)” ёзуви туширилган.

Танганинг орқа томони (RV):

Чети нуқтачалар ва ҳалқа билан ўралиб, юзасига “тарих тўққиз юз (фи ал торих тисеумия – فِي التَّارِيخِ / تِسْعَمِائَةً)”, деган ёзув туширилган.



4-тури. Уларнинг зарб қилинган йилини аниқлаш қийин. Тангаларнинг ўртача диаметри – 24–27 мм, оғирлиги – 4,5-5,5 гр.ни ташкил қилади (4-расм). Улар 94 донадан иборат.

Тангаларнинг олд томони (AV):

Чети нуқтачалар ва ҳалқа билан ўралган. Ўрта қисмида олти япроқ шаклдаги ҳошияси ва уни ўраб турган беаги жойлашган. Ҳошиясининг ичига “зарб(и) Бухоро (ضرب/بخارا)” ёзуви туширилган. Ҳошиясини атрофидаги безакларининг кўринишига кўра қуйидагича икки хил – А ва Б вариантларга бўлинади:

А – вариантдаги 88 дон тангаларнинг ҳошияси фақатгина навдали ўсмилик барглари билан ўраб олган (4,а-расм);

Б – вариантдаги 6 дон тангаларнинг ҳошиясини атрофи эса навдали ўсимлик барглари билан бирга уларнинг орасида гулбанд (бантик)симон безаклар жойлашган (4,б-расм).

Тангаларнинг орқа томони (RV):

Чети нуқтачалар ва ҳалқа билан ўралган. Улар юқорида айтилган олд томонининг фарқланиши билан мос ҳолда қуйидагича икки хил – А ва Б вариантда бўлинади:

А – вариантдаги тангаларга зарб қилинган йили туширилмаган. Уларнинг юзаси ўртасида тўрт томонга қараган барглاردан соат миллари йўналишида тўрт томондан ёнламасига новдали барглар тарқалган (4,а-расм);

Б – вариантдаги зарб қилинган йили туширилган тангаларда (4,б-расм). “тарих тўққиз юз ...? (фи ал торих тисеумия ...? – ... *في التاريخ / تسعمائة*)”, деган ёзув туширилган.



5-тури. Зарб қилинган санасини аниқлаш қийин. Бу турдаги тангаларнинг ўртача оғирлиги – 4,6 гр.ни ва диаметри – 22-25 мм.ни ташқил қилади (5-расм). Улар 4 дондан иборат.

Тангаларнинг олд томони (AV):

Чети нуқтачалар ва ҳалқа билан ўралган. Ўрта қисмида атрофи навдаги ўсимлик барги шаклидаги безак билан ўралган учяпроксимон ҳошия ичига “зарб(и) Бухоро (*ضرب/بخارا*)”ёзуви туширилган.

Тангаларнинг орқа томони (RV):

Чети нуқтачалар ва ҳалқа билан ўралган. Юзасидаги “тарих ...? (фи ал-торих ...? – ...? / *في التاريخ*)”, ёзувини тиклаш мумкин. Афсуски, уларга туширилган йилнинг асосий қисми текисланиб кетган.



6-тури. Зарб қилинган санасини аниқлаш қийин. Бу турдаги танганинг ўртача оғирлиги – 2,83 гр.ни ва диаметри – 21-23 мм.ни ташқил қилади (6-расм). Бу турдаги танга 1 дондан иборат.

Танганинг олд томони (AV):

Атрофига безак берилган олти бурчакли гаметрик шаклдаги ҳошия ичига араб ҳарфларидаги “Бухоро (بخارا)” ёзуви туширилган. Ҳошия атрофидаги безакларнинг бир қисми текисланиб кетган, бир қисми тангага тушмаган.

Танганинг орқа томони (RV):

Юзасида “тарих ...? (фи ал-торих ...? – ...? / في التاريخ)”, ёзуви сақланган. Афсуски, тангага туширилган йил текисланиб кетган. Шу сабабли унинг зарб қилинган йилини аниқлаш қийин.



ХУЛОСА

Юқоридаги тавсифлардан маълум бўладики, Тошкент вилояти, Паркент тумани, “Янги Санганак” МФЙ тасодифан топилган мис тангалар хазинасидаги Бухорода зарб қилинган тангаларнинг зарб қилинган йили аниқланган тангалар теурийлар даврига оиддир. Улардан 1-турдаги тангалардан ҳижрий 832 (милодий 1428-1429) йилда зарб қилинганлари Амир Темурнинг кенжа ўғли Шохрух Мирзонинг ўғли Мирзо Улуғбекнинг ҳукмронлиги (1409-1449 йиллар) йилларига [9], ҳижрий 897–899 (милодий 1491–1494) йилларда зарб қилинганлари Мовароуннаҳр султони, теурий шахзода Абу Саид Мирзонинг ўғили Султон Аҳмад Мирзонинг (ҳукмронлиги 1469–1494 йиллар) бошқаруви даврига тўғри келади [9: 19]. 2-турдаги тангаларга ўхшаш тангаларни Е.А Давидович ҳижрий 897 (милодий 1491-1492), 899–901 (1493-1496) йилларда

зарб қилинганлигини қайд қилган [3: 78, 188-189]. Аммо, “Янги Санганак” ҳазинасидаги бундай турдаги Бухорода зарб қилинган тангалар орасида ҳижрий 898 йилда зарб қилинганларининг аниқланиши ушбу турдаги тангаларнинг ҳижрий 897–901 (милодий 1491-1501) йилларда узликсиз зарб қилинганлигини тасдиқламоқда. Ушбу турдаги тангалар Султон Аҳмад ва унинг вафотидан кейин Самарқанд ҳокими бўлган укаси, Султон Маҳмуд Мирзо (ҳукмронлиги 1494–1496 йиллар) ва унинг тириклигидаёқ Бухоро ҳоким қилиб қўйган ўғли Бойсунғур Мирзо (1499 йил 22 ёшида ўлдирилган) бошқаруви даврига мос келади. Бундан кўринадиги қисқа муддатда бўлса-да Бойсунғур Мирзо отасининг бошқаруви давридаги Бухорода зарб қилинган кўринишдаги каби кўринишга тангаларни ҳам зарб қилдирган [3: 189]. 3-турдаги 1494–1495 йилларда танга ҳам Бойсунғур Мирзонинг Бухорони бошқарган даврида зарб қилинган кўринадиги. 4-турдаги аксарият тангаларда уларнинг зарб қилинган йили туширилмаган, санаси борлари ҳам текисланиб кўринмай кетган. Аммо, уларга айнан ўхшаш бўлган, олд томонида рақамга зарб қилинган йили туширилганлари тангалар Тошкент вилояти, Оҳангарон туманидан [3: 72. Тип 11 и С. 69. Рис. 4/11], Тожикистон Республикаси, Суғд (Лелинобод) вилоятидан ва Ганчин туманидаги Нурияк қишлоғидан [2: 14; 5: 255] топилган. Улар ҳижрий 901–902 (милодий 1495–1497) йилларда зарб қилинган. Бу сана туширилмаган тангаларнинг айримлари шу йиллардан сўнг, яъни ҳижрий 906 (милодий 1500-1501) йилдан кейин зарб қилинган. Бу дарв Муҳаммад Шайбонийхоннинг Бухорони эгаллаган даврларида зарб қилинганини кўрсатади. 5-турдаги тангадаги ёзувни аниқлашнинг имкони бўлмаган бўлсада, унинг безалиши ва ясаилишидаги яқинлик айнан XVI асрнинг бошларидаги тангаларда кузатиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, бу турдаги танганинг шайбонийлар даврига тегишлилиги ҳақида фикр билдириш мумкин. Шунини ҳам айтиш керакки, ҳозирча 6-турдаги тангага айнан ўхшаш тангаларнинг илмий муҳокамага тортилганлари аниқланмади. Балки, кейинги тадқиқотларда 5 ва 6-турдаги тангаларга тўлиқ аниқлик киритишнинг имкони туғилар. Балки, 6-турдаги тангалар келгусида алоҳида тадқиқ қилинишига сабаб бўлар.

Хуллас, “Янги Санганак” мис тангалар ҳазинаси 6 турдан иборат Бухорода зарб қилинган тангалар Мовароуннаҳрни, жумладан, Бухорони бошқарган теурийлар шаҳзодалар – Мирзо Улуғбек, Султон Аҳмад Мирзо, Бойсунғур Мирзо ва Муҳаммад Шайбонийхон даврида зарб қилинган бўлиб, улар ушбу сулоларнинг танга-пул сиёсати бўйича маълумотлар доирасининг кенгайишига ёрдам беради. Бундан ташқари, тангаладаги безаклар, айниқса, 5–6-турдагиларининг ўсимлик барглари билан безалганлиги қизиқарли бўлиб, бу ўша даврда давлатчилик бошқарувида ҳумрон бўлган ислом дини эътиқод-анъаналарига мас келмайди. Бу шу тангаларни зарб қилдиришда бош-қош бўлган

хукмрон доиралари вакилларининг ислом динига мўқкасидан кетмаганлигини ҳам билдирмоқда. Шунингдек, мазкур тангаларнинг Тошкент воҳасидан топилиши уларнинг ушбу ҳудудларда ҳам кенг муомалада бўлганлигини айтишга асос бўлиб хизмат қилади.

ИҚТИБОСЛАР / СНОСКИ / REFERENCES

1. Бурнашева Р.З. Денежное обращение в городах Южного Казахстана в XV–XVIII вв. (Историка-нумизматическое исследование). – Туркистан, 2006. 253 стр.
2. Давидович Е.А. Денежное хозяйство на территории южного Таджикистана и Узбекистана во втором десятилетии XVI в. (Материалы для характеристики общено и особенного в денежном обращении разных областей Средней Азии) // Труды государственного ордена Ленина исторического музея. Вып. 49. Нумизматический сборник. Част пятая. Вып. 1. Москва, 1977. – С. 14.
3. Давидович Е.А. История денежного обращения средневековой Средней Азии (медные монеты XV – первой четверти XVI в. в Мавераннахре). – Москва, 1983. 391 стр.
4. Давлатходжа Довуди. Монетные клады Таджикистана – Душанбе: Дониш, 2009. – С. 254–255.
5. Довуди Д. Денежное обращение древнего и средневекового Хатлана (V в. до н. э. – нач. XX в. н. э.). – Душанбе, 2006. – С. 261–277.
6. Камышев А.М. Клады медных монет темуридов и шейбанидов. – Самарканд: МИЦАИ, 2013. – 176 стр.
7. Массон М. Е. Клад медных монет XV века из Оша // ЭВ. XIII. – Москва–Ленинград, 1960. – С. 110–124.
8. Нормуродов Д. Р. XV – XVI асрнинг бошларига оид “Янги Санганак” хазинасидаги Самарқанд тангалари хусусида // Тарихий тадқиқотлар. – Тошкент, 2024. – № 2. 80-бет.
9. Файзиев Т., Мухаммадхўжаева Н. Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган темурий шаҳзодалар. Тошкент: Абдуллу Қодирий, 2002. 6-бет.
10. Шпенёва Л. Ю. Денежное обращение Ферганы и Шаша в эпоху Тимуридов (медные монеты XV – нач. XVI в.). Автореф. Канд. дис... к.и.н. – Ташкент, 1997. 26 стр.
11. Шпенёва Л.Ю. Клад медных монет конца XV – начала XVI в. из Ташкентской области // Нумизматика Узбекистана. – Ташкент, 1990. – С. 100–115.